



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ

**ПАХТА ТЕРИШ
МАШИНАЛАРИДАН САМАРАЛИ
ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА**

ТАВСИЯ

2026



ПАХТА ТЕРИШ МАШИНАЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

КИРИШ

Пахта териш машиналаридан самарали фойдаланишнинг асосий мақсади - пахта ҳосилини ёғингарчилик кунларига қолдирмасдан, қисқа муддатларда ва юқори сифатда териб олиш, шунингдек, машиналарнинг мавсум давомида узлуксиз ва самарали ишлашини таъминлашдан иборат.

Замонавий пахта териш машиналаридан самарали фойдаланиш, аввало, уларни мавсумга пухта тайёрлаш, кунлик техник кўрик ва сервис кўрсатиш ишларини ўз вақтида ҳамда сифатли амалга ошириш, шунингдек, механизаторларнинг малакаси ва амалий кўникмаларига бевосита боғлиқ.

Шундан келиб чиқиб, пахта терими мавсуми бошланишидан олдин ҳар бир пахта териш машинасининг техник тайёргарлигини тўлиқ яқунлаш, зарур эҳтиёт қисмлар захирасини шакллантириш, сервис хизматини узлуксиз ташкил этиш, механизаторларнинг амалий кўникмаларини ошириш ҳамда пахта далаларини машина теримига сифатли тайёрлаш муҳим вазифалар ҳисобланади.



ЎЗБЕКИСТОНДА ФОЙДАЛАНИЛАЁТГАН ПАХТА ТЕРИШ МАШИНАЛАРИ



Қуйида пахта теримида қўлланилаётган асосий замонавий пахта териш машиналари келтирилган.
Бу машиналар юқори унумли, сифатли теримни таъминлайди ва дала шароитига мослашган.



BOSHIRAN
пахта териш машинаси
(Хитой)



FM WORLD
пахта териш машинаси
(Хитой)



John Deere CP570
пахта териш машинаси
(АҚШ)



TZST SE-220
пахта териш машинаси
(Хитой)



SWAN 4M3-4
пахта териш машинаси
(Хитой)



I

ПАХТА ДАЛАСИНИ МАШИНА ТЕРИМИГА ТАЙЁРЛАШ

1 Бегона ўтдан тозаланмаган дала**❌ ТЕРИШ ТАҚИҚЛАНАДИ!**

- ❌ Қатор ораларида бегона ўтлар кўп.
- ❌ Машина иш унуми 25–30 % га пасаяди.
- ❌ Пахта сифати тушади.
- ❌ Нобудгарчилик ва ифлосланиш ортади.

2 Бегона ўтдан тозаланган бироқ, дефолиация ва десикация сифатсиз ёки тўлиқ амалга оширилмаган**❌ ТЕРИШ ТАҚИҚЛАНАДИ!**

- ❌ Дала бегона ўтдан тозаланган.
- ❌ Бироқ, дефолиация ва десикация сифатсиз ёки тўлиқ амалга оширилмаган.
- ❌ Ғўзада яшил барглار сақланиб қолган, поялар тўлиқ қуримаган.
- ❌ Теримда ифлосланиш ва намлик ортиб, пахта сифати тушади.

3 Далада бегона ўт йўқ, дефолиация ва десикация қилинган, пахта ҳосилини кўпайтир**✅ ТЕРИШГА ТАЙЁР!**

- ✅ Дала бегона ўтдан тозаланган.
- ✅ Дефолиация ва десикация сифатли ўтказилган.
- ✅ Барглар тўлиқ тўкилган, поялар қуриган.
- ✅ Пахта ҳосили кўп, терим сифати ва кам нобудгарчилик билан олинади.



Дала тайёргарлиги талабларига тўлиқ риоя қилинганда, пахта ҳосили **юқори сифатли навларга** сотилиб, даромад ошади.

**БАЖАРИШ ЗАРУР БЎЛГАН АГРОТЕХНИК ТАДБИРЛАР.**

Пахтани машинада сифатли ва нес-нобудгарчиликсиз териб олиш учун майдонлар тўлиқ тайёрланиши, кўсаклари тўлиқ очилган, дефолиация ва десикация тадбирлари ўтказилган, ғўза поялар тўлиқ қуриб, барглар тўкилган бўлиши, ҳосилини бир мартада тўлиқ териб олиш учун дефолиация ва десикация тадбирлари **3 босқинда** ўтказилиши шарт.



Пахта майдонларида дефолиация ва десикация тадбирлари сифатли ўтказилмаган, яъни ўсимликда яшил барглар мавжуд бўлган ҳолатларда пахта териш машиналарини далага киритиш ва механизациялашган теримни бошлаш **ҚАТЪИЯҲН МАН ЭТИЛАДИ.**

1

Пахта териш машиналарининг далага эркин ва хавфсиз кириб-чиқишини таъминлаш мақсадида ички дала йўлларини грейдер ёрдамида текислаш, машиналар ҳаракатига халақит берувчи асосий суғориш ариқларини кўмиш ҳамда дала йўлларини терим мавсумига тўлиқ тайёр ҳолатга келтириш лозим.

ДАРАХТ ВА БУТАЛАР ШОХЛАРИНИ ОЛДИНДАН КЕСМАСЛИК —

**ПАХТА ТЕРИШ МАШИНАСИНING ШИКАСТЛАНИШИ
ВА МАЖБУРИЙ ТЎХТАБ ҚОЛИШИГА ОЛИБ КЕЛАДИ!**



- Кабина ва олд ойна
синади
- Машинани таъмирлашга
катта маблағ кетади
- Терим ишлари кечикади,
ҳосил йўқотилади
- Хавфсизликка жиддий
хавф туғдиради



- Машина бутун ва
хавфсиз ҳаракатланади
- Терим ишлари ўз
вақтида ва сифатли
бажарилади
- Таъмир ҳаражатлари
ва тўхташлар олди
олинади
- Ҳосилдорлик ошади,
диромад кўпайиши



**Йўллари текисланган, дарахт ва буталар шохлари кесилган —
комбайн эркин ва хавфсиз ҳаракатланади, терим самараси ошади!**



Йўллар ва дала
атрофидаги дарахт
ва буталар шохларини
ОЛДИНДАН КЕСИНГ!



Техниканинг эркин ва
хавфсиз ҳаракатланиши
учун етарли йўлакни
ТАЪМИНЛАНГ!



Ўз ва бошқаларнинг
хавфсизлигини таъминлаш —
СИЗНИНГ МАСЪУЛИЯТИНГИЗ!

ХАВФСИЗ ҲАРАКАТ — СИФАТЛИ ТЕРИМ ВА ЮКСАК ҲОСИЛ КАФОЛАТИ!

2

Дала боши ва охирида пахта териш машиналарининг хавфсиз ва эркин бурилишини таъминлаш мақсадида камида 10–12 метр кенгликдаги бурилиш майдонида пахтани олдиндан териб олиш, ғўзапоялардан тозалаш ва эгатларни текислаш зарур.

✓ Тўғри тайёрланган



Юқори ва пастки қисмларида пахта тозаланган,
10–12 м айланиш майдони яратилган.
Техника эркин ҳаракатланади ва хавфсиз ишлайди.

✗ Нотўғри тайёрланган



Юқори ва пастки қисмлари пахтадан тозаланмаган,
10–12 м айланиш майдони ташкил этилмаган.
Дарахт шохлари техника ҳаракатига тўсқинлик қилади.

3

Даладаги электр устунлари, симлар, бетон конструкциялар ва бошқа хавфли объектлар олдиндан аниқланиб, техника хавфсиз ҳаракатланиши учун зарур чоралар кўрилиши лозим.

Маҳаллий ҳокимликлар ва Экология ва иқлим ўзгариши ҳудудий бошқармалари масъуллари томонидан далага олиб борувчи нотекис йўллар грейдерда текисланиб, техника ҳаракатига халақит берувчи дарахт ва буталар шохлари белгиланган тартибда кесилиши зарур.

ХАВФСИЗЛИК – САМАРАЛИ ПАХТА ҲОСИЛИНИНГ КАФОЛАТИ!



Даладаги электр устунлари ва симлари, бетон конструкциялар ҳамда машиналар ҳаракати учун хавф тугдириши мумкин бўлган бошқа объектларни олдиндан аниқлаш, улар атрофида пахта териш машиналарининг хавфсиз ҳаракатланишини таъминлаш чораларини кўриш талаб этилади.

❌ **ХАВФЛИ!**



- ❌ Электр симларига жуда яқин ҳаракатланиш
- ❌ Бетон иншоотлар яқинидан ўтиш
- ❌ Кўринадиган ва кўринмайдиган тўсиқлар
- ❌ Машина ва оператор учун хавф тугдиради

✅ **ХАВФСИЗ!**



- ✅ Электр симларидан хавфсиз масофа сақланади
- ✅ Иншоотлар атрофида хавфсиз ҳаракатланиш таъминланади
- ✅ Хавфли объектлар олдиндан аниқланади ва белгиланади
- ✅ Машина ва операторнинг хавфсизлиги таъминланади



Маҳаллий ҳокимликлар ва Экология ва иқлим ўзгариши ҳудудий бошқармалари масъуллари томонидан пахта далаларига олиб борувчи йўжаликлараро нотекис йўллари грейдер ёрдамида текислаш ҳамда пахта териш машиналарининг эркин ва хавфсиз ҳаракатланишига халақит берувчи дарахт ва буталар шохларини белгиланган тартибда кесиш ишларини ташкил этиш зарур.



ЙЎЛЛАРНИ ТЕКИСЛАШ

ОЛДИН



КЕЙИН



- ✅ Йўллар грейдер ёрдамида текисланади
- ✅ Нотекилик ва чуқурликлар бартараф этилади
- ✅ Пахта териш машиналарининг эркин ҳаракати таъминланади
- ✅ Еқилги тежалди, иш самарадорлиги ошади



ДАРАХТ ВА БУТАЛАРНИ КЕСИШ

ОЛДИН



КЕЙИН



- ✅ Шох-шаббалар белгиланган тартибда кесилади
- ✅ Машиналарнинг эркин ўтиши таъминланади
- ✅ Хавфли вазиятлар олди олинади
- ✅ Ҳосил йиғими сифатли ва ўз вақтида бажарилади



ХАВФСИЗЛИК ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИНГ – ХАЁТ ВА САЛОМАТЛИКНИ АСРАНГ!



Пахтани бункердан тиркамага бўшатишда пахтанинг ерга тўкилиб, ифлосланишининг олдини олиш мақсадида хар бир далада етарли **хажмдаги** брезент тўшамалар бўлиши ва улардан мажбурий тартибда фойдаланилиши зарур.



ТЎҒРИ АМАЛИЁТ



- ✓ Брезент тўшалган
- ✓ Пахта ерга тўкилмайди
- ✓ Пахта тоза сақланади
- ✓ Ифлосланишнинг олди олинади
- ✓ Йўқотишлар ва ифлосланиш олди олинади



НОТЎҒРИ АМАЛИЁТ



- ✗ Брезент тўшалмаган
- ✗ Пахта ерга тўкилади
- ✗ Пахта тоза сақланмайди
- ✗ Пахта нави паст сортга тушади
- ✗ Йўқотишлар кўпайади



Брезент тўшамалардан фойдаланиш – пахтани тоза сақлаш ва сифатини таъминлашнинг муҳим шarti!

ПАХТАНИ ТАШИШДА ТАЛАБ – ТОЗАЛИК ВА ХАВФСИЗЛИК!



Пахтани ташиш жараёнида унинг тўкилиб кетиши ва ифлосланишининг олдини олиш мақсадида трактор тиркамалари брезент ёки бошқа мос ёпув материаллари билан тўлиқ ёпилган бўлиши шарт.

✓ ТЎҒРИ АМАЛИЁТ



- ✓ Пахта тўкилиб кетмайди
- ✓ Пахта ифлосланмайди
- ✓ Йўл ва атроф-муҳит тоза сақланади
- ✓ Иш самарадорлиги ошади

✗ НОТЎҒРИ АМАЛИЁТ



- ✗ Пахта тўкилади
- ✗ Пахта ифлосланади
- ✗ Йўл ва атроф-муҳит ифлосланади
- ✗ Иш самарадорлиги пасаяди

ТАВСИЯЛАР



Тиркама брезент ёки бошқа мос ёпув материаллари билан тўлиқ ёпилган бўлиши шарт.



Ёпув материаллари мустахкам боғланган бўлиши ва йўлда силжимаслиги керак.



Пахтани ташишда ифлосланишининг олдини олиниб, атроф-муҳит муҳофаза қилинади.



Йўлларда пахта тўкилишининг олдини олиш ҳаёдовчилар учун хавф тугдирмайди.



ТОЗА АТРОФ-МУҲИТ ВА ХАВФСИЗ ЙЎЛ – БАРЧАМИЗНИНГ МАСЪУЛИЯТИМИЗ!



МУМКИН

ПАХТА МАЙДОНИНИ МАШИНА ТЕРИМИГА ТАЙЁРЛАШ

✓ ЙЎЛ ЧЕТИДАГИ
ТУТ ДАРАХТЛАРИНИНГ
ШОХЛАРИ
КЕСИЛМОҚДА



ПАХТА ТЕРИШ
МАШИНАСИ



✓ КИРИШ ЙЎЛИГА
ШЕВЕН ТЎКИЛГАН,
ДАЛАГА КИРИШ
ҚЎЛЛАЙЛАШТИРИЛГАН



11 м

0,6 м

11 м

✓ ДАЛА БОШИДАН 11 МЕТР
МАСОФАДАГИ ПАХТА ТЕРИБ,
ЎЗАЛОРЛАРДАН ТОЗАЛАНГАН
ВА ТЕКИСЛАНГАН БУРИЛИШ
МАЙДОНИ

✓ ЎҚ АРИҚ КЎМИЛГАН
(МАШИНА ҲАРАКАТИГА
ХАЛАҚИТ БЕРМАЙДИ)

✓ ДАЛА ОХИРИДАН 11 МЕТР
МАСОФАДАГИ ПАХТА ТЕРИБ,
ЎЗАЛОРЛАРДАН ТОЗАЛАНГАН
ВА ТЕКИСЛАНГАН БУРИЛИШ
МАЙДОНИ



Дала бегона ўтдан тозаланган ҳамда
дефолиация ва десикация қилинган.



МУМКИН ЭМАС



ПАХТА МАЙДОНИНИ МАШИНА ТЕРИМИГА ТАЙЁР ЭМАС

! ДАРАХТ БУТАЛАРИ
ЙЎЛГА ЧИҚИБ КЕТГАН,
МАШИНА ҲАРАКАТИГА
ХАЛАҚИТ БЕРАДИ

! ДАЛА БОШИ ВА ОХРИ
ЎЗАДАН ТОЗАЛАНМАГАН

! ДАЛА БЕГОНА ЎТДАН
ТОЗАЛАНМАГАН

! ЎҚ АРИҚ
КЎМИЛМАГАН

! КИРИШ ҚИСМИ
ТАЙЁРЛАНМАГАН

! ДЕФОЛИАЦИЯ ВА
ДЕСИКАЦИЯ
ҚИЛИНМАГАН



ЮҚОРИДАГИ ШАРТЛАРДАН БИРОРТАСИ БАЖАРИЛМАГАН БЎЛСА,
ПАХТА МАЙДОНИНИ МАШИНА ТЕРИМИГА ТАЙЁР ЭМАС ҲИСОБЛАНАДИ
ВА ТЕРИШ ҚАТЪИЯН ТАҚИҚЛАНАДИ!

II

МАШИНАНИ ИШГА ТУШИРИШДАН ОЛДИНГИ КУНЛИК ТЕХНИК КЎРИК



Иш бошлашдан олдин тўлиқ техник кўрик ўтказилади.



Мой ва техник суюқликлар сизиши бартараф этилади.



Шпиндель, барабан ва ички қисмлар тозаллиги текширилади.



Харакатланувчи қисмлар ўз вақтида мойланади.



Ёнилғи ва ювиш-намлаш суюқликлари меъёрга тўлдирилади.

Механизатор ҳар куни иш бошлашдан олдин пахта териш машинасини тўлиқ техник кўриқдан ўтказиши, аниқланган носозлик ва камчиликларни бартараф этганидан сўнг ишга тушириши шарт.

Пахта териш машинасининг русуми ва ишлаб чиқарувчи тавсияларидан келиб чиқиб, кунлик техник хизмат кўрсатиш ва ювиш ишлари учун зарур бўладиган сув, махсус ювиш воситалари (шампунлар), мойлаш материаллари, техник суюқликлар ҳамда бошқа сарф материалларининг етарли захирасини олдиндан шакллантириш зарур.

Бунда мойлар, техник ва кимёвий суюқликлар, махсус ювиш воситалари ҳамда бошқа эксплуатация материалларидан техника ишлаб чиқарувчи томонидан тавсия этилган махсус восита ва маркалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

№	Эхтиёт қисмлар (10 гектар учун)	Ўлчов бирлиги	BOSHIRAN	SWAN	FM WORLD	John Deere	CASE
1	Вазелин	кг	15	15	16	25	20
2	Шампунь	литр	15	15	15	20	10
3	Сув баки ҳажми	литр	700	1000	1000	1050	1200

➤ Механизатор томонидан двигатель атрофи кўздан кечирилиб, мой, ёқилғи ёки бошқа техник суюқликларнинг сизиб чиқиши ҳолати текширилади. Двигатель ишга туширилгандан сўнг унинг барқарор ишлаши, ҳарорати ҳамда асбоб панелидаги кўрсаткичларнинг меъёрдалиги назорат қилинади.

➤ Пахта териш аппарати, барабанлар ва шпинделларнинг тозаллиги текширилади, синган, эгилган, ейилган ёки ишдан чиққан деталлар алмаштирилади.

➤ Ҳар бир дала ва пахта экиш схемасидан (кўшқатор ёки яккақатор) келиб чиқиб, пахта териш аппаратининг ишчи тирқиши ва иш ҳолати белгиланган талаблар асосида ростланади.

➤ Машинанинг узлуксиз ва ишончли ишлашини таъминлаш мақсадида айланувчи ва сирпанувчи подшипниклар, ҳаракатланувчи механизмлар ҳамда мойлаш учун белгиланган бошқа нуқталар текширилади ва заруратга кўра мойланади.

➤ Ҳар куни иш бошлашдан олдин пахта териш машинаси ва унинг ишчи аппаратлари тозаланади, ювилади ва мойланади. Машинага керакли ёнилғи қуйилади ҳамда намлаш тизими махсус ювиш суюқлиги билан белгиланган меъёрда тўлдирилади.

➤ Пахтанинг тўкилиб кетиши ва нобудгарчилигининг олдини олишда ажраткичларни тўғри созлаш муҳим. Ажраткичлар иш шароитига қараб тез-тез қайта созлашни талаб қилиши мумкин. Шунинг учун уларни аниқ созлашдан олдин терим аппаратини маълум муддат ишлатиб, ишчи ҳолатга келтириш ва қизитиш, сўнгра зарур созлаш ишларини амалга ошириш.

➤ Ажраткич ва намлагич устунларининг барча маҳкамлаш элементлари қотирилганлиги ҳар куни текширилади. Ажраткич устуни корпусида тўпланган хас-чўп, кир, пахта қолдиқлари ва мойлар мунтазам равишда тозалаб турилади.

➤ Пахта териш аппаратини нотўғри ростлаш — пахтанинг ерга тўкилиши ва нобудгарчилигининг ортиши, терим суръатининг пасайиши ҳамда машинанинг иш унумдорлиги камайишига олиб келади.

➤ Иш бошлашдан олдин шпинделлар, ажраткичлар ва намлагичларнинг жойлашуви, панжарасимон ва қисувчи қопқоқлар ҳолати текширилиб, зарур бўлса, ишлаб чиқарувчи тавсиясига кўра ростланиши лозим.

➤ Мойлашни ўз вақтида бажармаслик деталларнинг тез ейилиши, қизиб кетиши, носозликлар ва машинанинг тўхтаб қолишига олиб келиши мумкин.

МЕХАНИЗАТОР УЧУН МУҲИМ ЭСЛАТМА

Машинани тўғри ростлаш ва ўз вақтида мойлаш — юқори иш унуми, нес-нобуд қилмасдан ва сифатли пахта теримининг асосий шартларидан биридир.

III

ШПИНДЕЛЛАРНИ КҮНЛИК ТОЗАЛАШ, ЮВИШ ВА ҲАВО ҲАРОРАТИГА МОСЛАШ

Ҳар куни иш якунидан сўнг шпинделларни тозалаш ва махсус ювиш ускунаси — “карчер” ёрдамида яхшилаб ювиш зарур. Бунинг учун ҳар бир пахта териш машинаси “карчер” билан таъминланган бўлиши лозим.

Намлаш ва ювиш тизимини текширишда насос ишга туширилиб, унинг ишлаш ҳолати ва босими назорат қилинади. Намлагич устунининг юқори қисмида жойлашган пуркаш форсункаси ечиб олиниб, пуркашнинг бир текислиги текширилади. Форсунка ифлосланган бўлса тозаланади, ишдан чиққан ҳолларда алмаштирилади. Шундан сўнг ҳар бир шпиндельга етарли миқдорда ювиш эритмаси бир текис тушаётганлиги текширилади.

Намлагич устуни шпинделларга намлагич тароқчалари тегиб турадиган даражада ростланади. Кун давомида намланиш зонасидан ифлосликларни мунтазам равишда олиб ташлаш керак бўлади.


МЕХАНИЗАТОР УЧУН МУҲИМ ЭСЛАТМА

Намлагич тароқчалари шпинделнинг бутун узунлиги бўйлаб ҳамда шпиндель гайкасининг конус қисми узунлигининг ярмигача тегиб тургандагина шпинделнинг тўлиқ тозаланиши таъминланади.

Шпинделларни ювиш тизимидаги суюқлик оқими миқдори ҳаво ҳарорати, пахта даласининг намлиги ва ғўза тупларининг ҳолатига қараб мослаштирилади.

Далада намлик юқори бўлган вақтларда, жумладан, эрталабки ва кечки пайтларда, суюқлик сарфини меъёрдан ортиқ оширмаслик тавсия этилади. Чунки ортиқча намлик ажраткичлар ва пахта териш аппаратининг бошқа қисмларида ифлосликларнинг тўпланишига сабаб бўлиши мумкин.

- **+25 °C ва ундан юқорида**— сув ва ювиш воситаси сарфини ошириш мумкин.
- **+15 °C дан +25 °C гача** - белгиланган меъёрда қўлланилади.
- **+15 °C дан пастда** — сув миқдори ва босими камайтирилади.

1 +25 °C ва ундан юқори  Сув ва ювиш воситаси сарфини заруратга қараб ошириш мумкин.  КҮП  КҮП  ЮҚОРИ	2 +15 °C дан +25 °C гача  Сув ва ювиш воситаси завод томонидан белгиланган меъёрларда сарфланиши лозим.  МЕЪЁРДА  МЕЪЁРДА  МЕЪЁРДА	3 +15 °C дан паст  Пахтанинг ортиқча намланиб қолишининг олдини олиш мақсадида сув бериш миқдори ва босими ишлаб чиқарувчи тавсияларига мувофиқ камайтирилиши лозим.  КАМ  КАМ  ПАСТ
--	---	---

МЕХАНИЗАТОР УЧУН МУҲИМ ЭСЛАТМА

Тавсия этилмаган ювиш воситалари машина қисмларига зарар етказиши мумкин. Ювиш режими ҳаво ҳарорати, пахта намлиги, терим шароити ва ишлаб чиқарувчи тавсияларига мувофиқ белгиланади.

IV

ЭХТИЁТ ҚИСМЛАР ЗАҲИРАСИ ВА СЕРВИС ХИЗМАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

ЕТАРЛИ ЭХТИЁТ
ҚИСМЛАР ЗАХИРАСИ

Ҳар бир ҳолатда сервис хизмати ташкига этилиб, шпиндель, тасма, подшипник, шланг, фильтр, мой, техник суюқлик ва бошқа зарур эҳтиёт қисмлар захираси етарли миқдорда шакллантирилиши лозим.

МОБИЛ СЕРВИС
БРИГАДАЛАР

Тезкор техник хизмат кўрсатиш ва носозликларни дала шароитида бартараф этиш учун сервис-мобил бригадалар ташкил этилиб, улар зарур асбоб-ускуна, махсус жиҳоз, эҳтиёт қисмлар ва сарф материаллари билан таъминланиши лозим.

РАСМИЙ ДИЛЕР ВА
СЕРВИС МАРКАЗЛАРИ

Ҳар бир ҳудудда камида **2** тадан расмий дилерлик ва сервис маркази ташкил этилиши мақсадга мувофиқ.

МАЛАКАЛИ МУТАХАССИС
БИРИКТИРИШ

Ҳар **5** та пахта териш машинасига **1** нафар малакали мутахассис бириктирилиб, носозлик аниқланганида унинг **1** соат ичида манзилга етиб боришини таъминлайдиган тезкор сервис тизими йўлга қўйилиши лозим.

ТЕЗКОР ХИЗМАТ ВА
ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

Дилерлик ва сервис марказлари мавсум давомида машиналарга тезкор техник хизмат кўрсатиш, эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш ва носозликларни қисқа муддатда бартараф этиш имкониятига эга бўлиши зарур.

ЭЛЕКТРОН ТАВСИЯ



Тавсияни электрон шаклда олиш учун QR-кодни сканерланг ва савол ёки таклифингизни юборинг.

ТЕЗКОР СЕРВИС – МАШИНАНИНГ ИШОНЧЛИ ИШINI ТАЪМИНЛАЙДИ!



ТЕЗКОРЛИК

Мувақасис қисқа вақтда манзилга етиб бориб, муаммони жойида ҳал этади.



ИШОНЧЛИЛИК

Машиналар узлуқсиз ишлайди, бекор туриш вақти камаяди.



САМАРАДОРЛИК

Техника тўлиқ қувватда ишлайди, терим сифати ва ҳажми ошади.



ИҚТИСОДИЙ ФОЙДА

Таъмирга сарф харажатлар қисқаради, маҳсулот етиштириш тежамкорлиги ошади.



СИФАТЛИ СЕРВИС – ЮҚОРИ ХОСИЛ ВА ДАРОМАД КАФОЛАТИ!

Ушбу вазифаларни ташкил этишга маҳаллий ҳокимликлар ва “Ўзагролизинг” АЖ ҳудудий бўлимлари масъул ҳисобланади.

V

ТАШИШ ТЕХНИКАСИ БИЛАН УЗВИЙ ҲАМКОРЛИК



ПАХТАНИ ТАШИШНИ ТЎҒРИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Пахта териш машиналарининг тўхтовсиз ва юқори иш унуми билан ишлашини таъминлаш учун пахтани бункердан ўз вақтида бўшатиш ва ташишни тўғри ташкил этиш зарур.

МУҲИМ!

Пахта териладиган даланинг контур рақами
механизатор ва тегишли масъулларда бўлиши зарур!

1



Пахтани бункердан ўз вақтида бўшатиш ва етарли транспорт билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

2



Ҳар бир пахта териш машинасига **8–10 та** трактор тиркачасини бириктириш тавсия этилади.

3



Пахтани ташиш учун етарли транспорт воситаларини ажратиш, уларнинг техник соҳ ҳолатда бўлишини таъминлаш ва пахтани қабул қилиш пунктларига етказиб беришни ўз вақтида ташкил этиш зарур.

4



Пахтани ташиш жараёнида унинг тўкилиб кетиши ва ифлосланишининг олдини олиш мақсадида трактор тиркачалари брезент ёки бошқа мос ёпув материаллари билан тўлиқ ёпилган бўлиши шарт.

ТЎҒРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ТАШИШ – ЮҚОРИ САМАРА КАФОЛАТИ!



Машиналар тўхтовсиз ва юқори иш унумида ишлайди



Терим сифати ва ҳосилдорлик ошади



Нобудгарчилик ва ифлосланиш камаяди



Қўшимча харажатлар камаяди, самарадорлик ортади



СИФАТЛИ САМАРАЛИ ТАШИШ – ЮҚОРИ ҲОСИЛ ВА ДАРОМАД КАФОЛАТИ!

VI

ПАХТА ТЕРИШ МАШИНАЛАРИДА ИШЛАГАНДА
ХАВФСИЗЛИК ҚОИДАЛАРИ

Операторга қўйиладиган талаб - Махсус тайёргарликдан ўтмаган ва операторлик гувоҳномасига эга бўлмаган шахсларни пахта териш машиналарида ишлатиш **қатъиян ман этилади**.

Двигателни ишга туширишдан олдин - Машинани тормозлаш, бошқарув ричаглари нейтрал ҳолатга ўтказиш ва атрофда хавф туғдирувчи шахслар ёки тўсиқлар йўқлигига ишонч ҳосил қилиш зарур.

Йўлда ҳаракатланишда - Тормоз педалларини жуфтлаштириш, йўлнинг ўнг томонидан ҳаракатланиш, транспорт воситаларига йўл бериш, бурилиш олдидан тезликни камайтириш ва тегишли сигнал бериш талаб этилади.

Кабинадан чиқишдан олдин - Терим аппаратини тушириш, ричагларни нейтрал ҳолатга ўтказиш, тўхтаб туриш тормозини ишга солиш, двигателни ўчириш ва қалитни олиб қўйиш зарур.

Техник хизмат кўрсатишда - Техник суюқликлар сатҳини текшириш ва тўлдириш ишлари **двигатель тўлиқ тўхтатилиб, қалит олиб қўйилгандан сўнг** амалга оширилиши керак.

Терим аппарати остида ишлашда - Блокировка тизими ишга туширилмаган ёки махсус қўлфлаш механизмлари ўрнатилмаган терим аппарати остига кириш **қатъиян ман этилади**.

VII

ЁНҒИНГА ҚАРШИ ХАВФСИЗЛИК ҚОИДАЛАРИ

**ЁНҒИН ХАВФИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ:**

- Ёнилғи ва мойларни оқиб кетишидан сақланинг.
- Электр ускуналарининг созлигини таъминланг.
- Двигателни ва глушителни тоза ҳолда сақланг.

ЁНҒИН ЧИҚҚАНДА:

- Двигателни дарҳол тўхтатинг.
- Ёнғинни ўчириш воситаларидан фойдаланинг.
- Агар ўчириб бўлмаса, 101 рақамига қўнғироқ қилинг.

Ўт ўчириш воситалари - Машинада доимо 2 та соз ўт ўчиргич бўлиши шарт: бири кабинада, иккинчиси двигатель қисми яқинида, осон олинадиган жойда.

Учқун ва ёнғин хавфининг олдини олиш - Қисувчи қопқоқларнинг шпиндел учларига тегишига йўл қўйилмаслиги керак. Акс ҳолда ишқаланиш учқун ва ёнғинга сабаб бўлиши мумкин.

Бегона предмет тушганда - Терим аппаратида бегона предмет тушса, аппарат, вентилятор ва машинани дарҳол тўхтатиб, предметни хавфсиз олиб ташлаш ва қисмларни текшириш зарур.

Бегона товушлар пайдо бўлганда - Тақиллаш, ишқаланиш ёки бошқа ғайритабиий товушлар эшитилса, машина дарҳол тўхтатилиб, носозлик бартараф этилгандан сўнг иш давом эттирилади.

Машинани тоза сақлаш - Терим аппарати, баклар, қувурлар, вентиллар, бункер ва двигатель қисми пахта қолдиқлари, хас-чўп, мой ва бошқа ифлосликлардан мунтазам тозаланиши шарт.

Ҳимоя қисмларини назорат қилиш - Барча ҳимоя қалқонлари, қопқоқлар ва тўсиқларнинг тўғри ва мустаҳкам ўрнатилганлиги доимо назорат қилиниши лозим.

МЕХАНИЗАТОР УЧУН МУҲИМ ЭСЛАТМА

Ёнғин хавфсизлигининг асосий талаби — машинани тоза сақлаш, мой ва ёнилғи сизишларига йўл қўймаслик, қизиб кетишнинг олдини олиш ҳамда ёнғинни тезкор бартараф этиш воситаларини доимо шай ҳолда сақлашдир.



МЕХАНИЗАТОРНИНГ
МАВСУМ ОЛДИ ЧЕК-ЛИСТИ
— ҲАР БИР ПУНКТНИ ТЕКШИРИНГ ВА БЕЛГИЛАНГ —



№	ТЕКШИРИЛАДИГАН БАНДЛАР	АСОСИЙ ИШЛАР	ТЕКШИРИЛДИ ✓	ЭЗОҲЛАР (зарур бўлса)
1	 ДАЛА ТАЙЁР	• Дала йўллари текисланди. • Эгат боши ва охири тозаланди, бурилиш майдонлари (10–12 м) тайёр. • Бегона ўтлар йўқ. • Электр устунлари ва хавфли объектлар белгиланди.	☐	
2	 КУНЛИК КЎРИК	• Машина тўлиқ техник кўриктен ўтказилди. • Аниқланган носозлик ва камчиликлар бартараф этилди. • Ювиш, мойлаш ва техник суяқликлар захираси тайёр.	☐	
3	 ШПИНДЕЛЬ (ТЕРИМ АППАРАТИ) ТОЗА	• Шпиндельлар, оловчи диск ва тозолагичлар тозаланди. • Шпиндельлар ҳолати текширилди, шикастланганлари алмаштирилди. • Зазор меъёрида ростланди.	☐	
4	 МОЙЛАШ	• Барча мойлаш нуқталари мойланди. • Тавсия этилган мой маркаларидан фойдаланилди. • Ўтса сирпанадиган қисмлар, занжирлар ва подшипниклар мойланди.	☐	
5	 НАМЛАШ ТИЗИМИ	• Намлагич баки тоза ва тўлдирилди. • Насос ва шланглар текширилди. • Форсункалар иш ҳолатида, селиш меъёрида. • Дефлекторлар ҳолати текширилди.	☐	
6	 2 ТА ЎТ ЎЧИРГИЧ	• 2 та ўт ўчиргич мавжуд (бири кабинада, иккинчиси двигател қисми яқинида). • Муддати ва иш ҳолати текширилди. • Қулай ва тез олинадиган жойга ўрнатилган.	☐	
7	 СЕРВИС РАҚАМИ ВА АЛОҚА	• Яқин сервис маркази манзили ва телефони аниқланди. • Сервис хизматига масъул шахс билан боғланиш йўли белгиланди. • Машина паспорти ва электр схемаси бор.	☐	
8	 ТАШИШ ТЕХНИКАСИ ТАЙЁР	• Трактор ва тиркамалар (8–10 та) тайёр. • Тиркамалар брезент билан жаббланган. • Пахтани бункердан тиркамага бўшатиш жойи режалаштирилган.	☐	



ЭСЛАТМА!

Барча пунктлар бажарилганда машина узлуксиз ва сифатли ишлайди, пахта юқори сифатда терилади ва нобудгарчилик минимал бўлади.



МУҲИМ!

Ҳар бир иш куни бошланишидан олдин кунлик техник кўрикни ўтказиш ва машинани тоза ҳолатда сақлаш – асосий қоидалардан бири.

ҚўШИМЧА ЭЗОҲЛАР:

Сервис марказларининг
актуал рўйхати ва
алоқа маълумотлари
учун QR-кодни
сканерланг.



ЭЛЕКТРОН ТАВСИЯ



Тавсиянинг электрон шаклини очиш учун
QR-кодни сканерланг

QR-код Google Drive ҳаволасига олиб боради.